



1916 йил кўзғолони ўзбек халқининг миллий озодлик учун олиб борган кураши тарихининг ёркин саҳифаларидан биридир. Нафакат Туркистон, балки Марказий Осиё ва Козогистоннинг ҳам кўпгина шаҳар ва қишлоқларида гуриллаб ёнган кўзғолон олови, бир томондан, чор ҳокимияти ўтказган зулмининг ҳаддан ошгани, иккинчи томондан, XX асрнинг 10-йилларига келиб мўмин-муслмон халқларнинг ижтимоий онги ўсиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ва мустамлақачилик қишанларини парчалаш учун курашга астойдил отланганидан дарак берди.

Жадидларнинг бу миллий озодлик ҳаракатига муносабати ҳақида жуда оз ёзилган. Бу оз маълумотларда ҳам уларнинг 1916 йил кўзғолонига бўлган муносабати фақат салбий баҳоланиб келинган.

Ҳамза ижодининг илк тадқиқотчиларидан бири Шариф Ризо "Янги саодат курашчиси" (1939) деган мақолада мазкур масалага тўхтаб, бундай ёзган: "Кечагина "ох, миллатим!" деб тилини осилтириб юрган жадид зиёлилари ва ўзбек бойлари оқ подшога ўзларининг содиқликларини ва унинг "кўп йиллар" яшаши учун ҳар қандай оғир хизматга тайёрликларини билдирадилар". Шариф Ризодан тўрт йил аввал "Жадид адабиётининг синфий моҳиятига" сарлавхали мақолада Ҳамид Олимжон ҳам бундай сўзларни айтган: "Бу вақтда ўзларини янгилик тарафдори, "инқилобий " халқ учун курашувчи қилиб кўрсатиб келган, ҳаммага "оқ кўзини ", деб бақирувчи жадидлар йўлда чекилиб қолдилар. Улар исёнчилар билан, инқилобий омма билан бора олмадилар. Исончилар ва инқилобчиларнинг йўли ва иши улар учун ёт ва қўлдан келмайдиган бўлиб чиқди ". Атоқли шоир мазкур масала хусусидаги фикрларини жамлаб, "Кўзғолонни босиш, исённи тугатишда жадидлар чоризмга ёрдам қилдилар " деб ёзган. Шубҳасиз, бу ҳар иккала ёзувчининг жадидларни масҳара қилувчи юқоридаги сўзлари совет мафқурасининг талаби билан айтилган.

Агар бу ҳар иккала муаллиф жадидларнинг 1916 йил кўзғолонига бўлган муносабатлари ҳақида йўлма-йўлақай фикр билдирган бўлсалар, совет даврининг таниқли тарихчиси Мавлон Ваҳобов "Ўзбек социалистик миллати" (1960) китобида мазкур масалага махсус ўрин ажратиб, жумладан, қуйидагиларни ёзган: "...тугилиб келаётган ўзбек миллий буржуазияси ва унинг мафқурачилари бўлган жадидлар 1916 йил кўзғолони даврида подшо ҳукуматига қарши чиқмадилар, аксинча, чоризм ва рус буржуазияси тарафида бўлдилар. Шунинг учун Туркистоннинг ўзбек районларидаги 1916 йил кўзғолони бир бутун халқ кўзғолонига айланмасдан, айрим шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яққам-яққам чиқишидан иборат бўлиб қолди... Ўзбек миллий буржуазияси кўзғолонга раҳбарлик қилган тақдирда кўзғолон қатта ютуқларга эришиши мумкин бўларди ".

М.Вахобовнинг зикр этилган китобидан кейин кечган вақт мобайнида жадидчилик харакати ва унинг намояндалари окланибгина колмай, уларнинг ижтимоий, адабий ва маданий-маърифий фаолияти тўғрисида кўплаб китоб, рисола ва маколалар яратилди. Аммо уларда жадидларнинг 1916 йил воқеаларига муносабати масаласига аниклик киритилди, дейиш кийин.

Жадидлар Туркистоннинг XX асрдаги ижтимоий-маданий ҳаётида канчалик муҳим ўрин тутган бўлмасин, уларнинг сиёсий партияга ҳос белгилар — раҳбарлик қилувчи марказ, катъий ҳаракат дастури, низом ва аъзоларга эга бўлмаганини назардан кочирмаслик лозим. Жадидчилик харакати 1905-1917 йилларда янги мактаб, матбуот, адабиёт ва театр, шунингдек, намоишларни ташкил қилиш орқали халқ оммасига муайян таъсир ўтказди. Лекин бу таъсир доирасига халқ оммасининг барча қатламлари жалб этилди, дейишга асос йўқ. Шунинг учун ҳам на қуролли қучлари, на бошқа имкониятлари бўлган жадидларнинг кўзғолоннинг пировард тақдирини била туриб, унга раҳбарлик қилишлари мумкин эмас эди. Тўғри, жадидлар "оқ подшо"нинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони муносабати билан стихияли бошланган кўзғолондан четда туришлари, уни кўрмасликка олишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам улар кўзғолоннинг дастлабки даврида исёнчилар тарафида бўлдилар, ҳатто уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кўллаб-қувватлаб турдилар. Лекин Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилиниши билан аник ҳаракат дастурига эга бўлмаган омманинг стихияли харакати кўнгилисиз оқибатларга олиб бориши мумкинлигини яхши билган жадидлар исёнчиларга раҳбарлик қилишни ўз зиммаларидан соқит қилиб, кўзғолонни тинч ўзганга буриб юборишга уриндилар.

Бунинг, шубҳасиз, бир неча сабаблари бор. Биринчидан, масалан, 11 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган кўзғолон оқибатида кўзғолончилардан 11 киши ҳалок бўлган, 15 киши эса жароҳат олган. Кўзғолончилар бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам шундай талофат кўрганлар. Иккинчидан, соқир бўлган вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган уламо кўзғолонга диний тус бермоқчи бўлиб, халқни газовагга чақирган. Газоваг жазавасига тушган омманинг эса ўзини ҳам, "оқ подшо" фармонига алоқаси бўлмаган рус аҳолисини ҳам ҳонавайрон қилиши ҳеч гап эмас эди. Учунчидан, вазиятнинг жиддий тус ола бошлаганини кўрган Туркистон генерал-губернаторлиги 17 июль куниёқ ўлкада ҳарбий ҳолатни жорий қилди. Фавқулодда ваколатга эга бўлган маҳаллий маъмурият оммавий тартибсизликда иштирок этган ҳар бир кишини ҳарбий ҳолат қонунларига кўра қаттиқ жазолаши мумкин эди. Тўртинчидан, Туркистонга шу қунга қадар раҳбарлик қилган генерал-губернатор аҳоли билан пачақилашишда айбланиб, унинг ўрнига Ўрта Осиёни забт этишда иштирок этган генерал-адъютант А.Н.Куропаткин генерал-губернатор этиб тайинланган ва унга фавқулодда ваколатлар берилган эди. Бешинчидан, чор ҳокимияти кўзғолонни бостириш учун ўлкадаги мунтазам қуролли қучлардан ташқари, яна 14 та батальон, 33 та казак ҳарбий қисми, 42 та тўп ва 69 та пулемёт жўнатган эди.

Ана шундай шароитда жадидларнинг 1916 йил кўзғолонига бошчилик қилишлари халқ оммасини жар ёқасига етаклаш билан барабар эди.

М.Вахобов давом этиб, ёзган: "Миллий буржуазиянинг кўзғолон вақтида қилган ҳоинлиги жадидларнинг ҳулқ-атворида очик намоён бўлди. Жадидлар 1916 йил кўзғолони даврида халқ ўртасида подшо фармонига сўзсиз бўйсунуш, фронт орқасидаги районларда ишлаш учун мардикор бериш тўғрисида пропаганда юргиздилар. Улар шаҳарларда мардикор олишга ёрдам комиссиялари туздилар. Бу комиссиялар мардикор

ёшидаги кишиларни рўйхатга олиш, мардикорга юбориш учун одамлар ёллаш, халкни кўзголон кўтаришга чакирган кишиларни тутиб бериш каби ишларни килдилар... "

Совет тарихчисининг жадиддар шаънига айтган узундан-узук айбномасини шу ерда кесиб, куйидаги далилларни тарих факти сифатида келтиришни хохладим.

Тарих фанлари доктори, таниқди олим Хамид Зиёев "Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш" (1998) деган китобида 11 июль куни Тошкентда рўй берган воқеаларни шархлаб, бундай маълумотни берган:

"...Халойик полиция бошкармасининг мирзаси Терентьевнинг бошини жароҳатлаган. Тошбўрон оркасида Себзор дахасининг миршаби Саид Исмоилжонов, Шайхантахур дахасининг миршаблари Тиллахўжа Эшмухамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаев ҳам ярадор килинади. Аскарлардан уч киши жароҳатланади. Оломон бошкарма идорасини тошбўрон килиб, унинг дераза ва эшикларини синдиради. Шу пайтда хотинларнинг кўзголонга катнашаётганини коралаган Обид уста Азизхўжаев калтакланади. Бу киши шахар касалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида шу ҳақда бундай дейилган: "Мархум Обид уста Азизхўжаевнинг укаси 11 июль куни касалхонага борганида, акаси жон беришдан олдин шундай дейди: "Мен полиция бошкармасининг тагида туриб, шовкин-сурон кўтариш ва тошбўрон килиш эркаклар турганда хотинларга муносиб эмас, дедим. Шу ондаёқ кишилар ва хотинлар мени кўчага судраб олиб чикишди. Бу ерда кимлардир бикинимга пичок урди "

Бу хотирада тилга олинган Обид уста Азизхўжаевнинг жадидларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Биз унинг "шовкин-сурон кўтариш ва тошбўрон килиш эркаклар турганда хотинларга муносиб эмас", деган сўзларини окдамокчи ҳам, кораламокчи ҳам эмасмиз. Муддаомиз — кўзголончиларнинг тахминан шундай сўзларни айтиши мумкин бўлган жадидларга ҳам шу тарзда муносабатда бўлганларини кайд этишдир. (Ойбекнинг "Кутлуг кон" романидаги кўзголончиларнинг шундай сўзларни айтган Абдушукруга бўлган муносабатини эсланг.) Обид устанинг ҳам, жадиддарнинг ҳам кўзголонни тўғри ўзанга йўналтирмокчи бўлганларини хоинлик деб баҳолаш тўғри эмас.

Куролсиз, уюшмаган, гоъвий раҳбарига эга бўлмаган ёки унга бўйсунмаган омманинг исён кўтариш йўли билан "ок подшо"нинг фармонини бекор килиши амримахол эди. Шунинг учун ҳам жадиддар кўзголонга раҳбарлик килиш-ни эмас, балки мардикорликка олиш билан боглик айрим муаммоларни хал килишни ўз зиммаларига олдилар. Негаки, маҳаллий маъмурият ходимлари ҳам, кўли узун бойлар ҳам бева-бечораларнинг фарзанддарига кўз олайтирган холлар оз бўлмади. Халк манфаатларини химоя килиш учун хатто Петербургга ҳам мурожаат этиш зарур бўлиб колди. Шундай холларда халк дардига малхам бўлиш максатида "Туркистон мардикорликка олиш комитети" ва унинг шахар бўлимлари тузилди. Тошкент жадидларининг сардори Мунаввар кори Абдурашидхонов ана шу комитетга раис ўринбосари этиб сайланди. У шу лавозимни эгаллаган киши сифатида чор хокимияти олиб бораётган сиёсатнинг нотўғрилигини халкка тушунтириш билан бирга мураккаб масалаларни хал килиш учун Петербургга вакил юбориш ишларида фаол катнашди. Ўша кезларда АФ.Керенский раҳбарлигидаги Давлат Думаси комиссиясининг Туркистонга келиши Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар кори Абдурашидхоновларнинг ташаббуси билан амалга оширилди.

Журналист ва таржимон Наим Саиднинг "Хамза Хакимзодани эслаганда" (1929) деган мақоласида мардикорларнинг Россияга юборилган дастлабки гурухлари (тўдалари) тўғрисидаги бундай сўзларини ўқиймиз:

"Биринчи тўда учун Кўкон "халки " томонидан тўпланган ишчилар (мардикорлар - Н.К.)

сафида шахарнинг хамма "яланг оёк" факирлари жўнатилган эди. Иккинчи тўда учун сотиб оларлик бева-бечораларнинг ўгиллари кифоя килмайди, балки йўк. Аввалда юз-юз эллик сўмга топилган "бекорчи" йигитларни хозир минг сўмга ҳам топиб бўлмайди. Бойваччаларни юборишга оталари розилик бермайдилар, бундай ишчи кучи танқислиги шахар амалдорларини тараддудга солиб қўйди. Лекин бойларнинг чўнтаклари кулай чора топиб берди.

Шахар катталари, амалдорлари бирлашиб, ҳам махаллада бўлган ўртахол фуқарони, уларнинг болаларини тўғридан-тўғри чакириб, мажбурий юборишга қарор қилинди... Катта пулдор ва мулкдорлар тарафидан майда қосибларга, дехқонларга бўлган ҳужумга тоқат қила олмаган баъзи зиёлилар бундай нотўғри сиёсат ҳақида марказга — Петроградга (Петербургга демокчи. - Н.К.) хабар бериб, ундан комиссия келтиришга муваффақ бўлдилар. Бу комиссия келган куни шахарнинг бутун амалдорларини ўрнидан бекор қилиб, подшонинг "адолати" дан халқни маҳрум қилганларга жазо берилишини эълон қилдилар...

Бу хотира сатрларида тилга олинган "баъзи бир зиёлилар"дан бири Убайдулла Хўжаев бўлиб, у Андижонга келган Давлат Думаси аъзоларига 1916 йил кўзғолонинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бундай маълумотни берган: "Подшо фармони эълон қилинмасдан олдин мустамлақачи маъмурлар Андижон халқини алдаб, "Сизларнинг ўгилларингизни фронтга олмаймиз, шунинг учун ҳам армияни қўллаб, унга от ва бошқа керакли нарсалар билан ёрдам берсангиз, пул берсангиз бўлади", деган ва бунга ишонган аҳоли фронт учун қўпдан-қўп моддий сарф-харажатлар қилган". Убайдулла Хўжаев бундай сўзларни Давлат Думаси аъзолари Андижонга келганларидан кейингина эмас, балки махаллий бойлардан Мирқомил Мирмўминбоев, андижонлик тараккийпарвар Вадим Чайкин билан бирга Петербургга бориб, Давлат Думаси аъзолари олдида ҳам айтган, кўзғолоннинг келиб чиқиши ва шафқатсиз равишда бостирилишида мустамлақачи маъмурларнинг айби катта эканлигини айтишдан чўчимаган. Шундай қилиб, жадидлар юқорида номлари тилга олинган вакиллари орқали Россия ҳукумати ва жамоатчилигини мардикорликка олиш вақтида рўй берган адолатсизликларни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Айни пайтда улар талаби билан Туркистонга келган комиссия махаллий маъмурият томонидан амалга оширилган жиноятларни ҳам фош этиб ташлаган.

"1916 йилги кўзғолонни бостиришда, — деб ёзади Ҳамид Зиёев юқорида тилга олинган китобида, — чор маъмурияти томонидан йўл қўйилган шафқатсизликни текширган Дума аъзоси АФ.Керенский шундай хулосага келган эди: туб аҳолининг галаёнларини бостириш учун белгиланган жазо экспедицияси ўта шафқатсизлик билан ҳаракат қилиб, фақат эркакларни эмас, балки аёллар ва болаларни ҳам қириб ташлаганлар. Ўша экспедиция аҳоли турар жойларини шу даражада бузиб, яқсон этдиларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган эмас".

1916 йил воқеаларининг иштирокчиларидан бири уйларнинг талангани ва қуйдирилганини айтган бўлса, бошқаси айрим шахар ва қишлоқларнинг бутунлай вайрон этилганига гувоҳлик берган. Муқум Ўрдушев исм-шарифли бир гувоҳ эса мана бундай манзарани чизиб берган:

"Тошкентдан Жиззахга келдим, — деган у. — Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шахарга тушиб кетдим. Йўлда қўп солдатларни кўрдим. Уларнинг ёнида халқдан тортиб олинган қимматли рўзгор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Солдатлар қимматли ипак сўзаналар, атлас ва шохи кўрпаларни ёзиб қўйибдилар... Ховлига чиқсалар ҳам шохи ва

атлас кўрпаларни ёпиниб чикмоқдалар. Бу ерда халкдан тортиб олинган мингларча от-моллар ва кўйлар турибди. Оёк остида босилиб ётган кимматли нарсаларни кўриб, жуда рахмим келди... Эски шахарга тушсам, энг яхши бинолар, махаллалар, шахар кўчаларидаги тимлар, дўконлар ошхоналар ва чойхоналар куйиб, ер билан теп-текис бўлган. У ерда бойўгли сайрамоқда. Халк оч ва ялангоч, жуда огир ахволда..." Шундай манзаралар билан муроса кила олмаган жадидлар нажот йўлини излаб, Петербургга кўз тиккан эдилар. Тўгри, Давлат Думасининг Туркистонга келган комиссияси жадиддарнинг катта умид ва ишончларини тўла окдай олмади. Аммо, хар калай, А.Ф.Керенский чор хокимиятининг айби билан Туркистонда рўй берган шафкатсизликларни Давлат Думаси минбаридан туриб дадил айта олди. М.Вахобов жадиддарнинг огир вазиятда колган юртдошлари юкини енгил килишга каратилган саъй-харакатларини мутлако четлаб ўтиб, яна бундай ёзади: "Жадидларнинг бу даврдаги газета ва журналлари кўзголончиларни коралайдиган (?), подшо хукуматини мактаб, мардикорликка бориш мусулмонларнинг подшо олдидаги, хатто худо олдидаги бурчларидан бири, деб ташвикот киладиган маколалар билан тўлиб чикарди (?). Масалан, "Ал-ислох"журналининг 1916 йилдаги 16-сонида кўзголонни бостириш учун подшо томонидан Туркистонга юборилган генерал-губернатор Куропаткинга багишлаб махсус макола билан чикди. Бу маколада Куропаткин кўкларга кўтарилди, кўзголончилар бебошлар, тартибсиз кишилар, деб кораланади ". Тарихчининг бу сўзлари жадиддарни масхараловчи охангдан холи бўлмаса-да, уларда хакикат зарралари хам йўк эмас. Чиндан-да, жадидлар Куропаткин шаънига хамду сано ай-тишдан ўзларини тиймадилар. Нафакат Хамза ва Авлоний, балки Тавалло сингари шоирлар хам Куропаткинга мадхия ўкидилар. Улар кўзголонни шафкатсизларча бостириш ва бундан кейинги галаёнларга йўл кўймаслик шарти билан Туркистон ўлкасининг янги генерал-губернатори Куропаткиннинг тош кўнглини шундай йўллар билан юмшатмокчи бўлдилар. Мазкур кўзголон хакидаги расмий хужжатлардан шу нарса маълумки, 1916 йилнинг 25 июлидан 15 сентябрга кадар бўлган даврда харбий прокурор назорати 3 мингдан зиёд кўзголончиларнинг ишларини кўрган. Суд жавобгарлигига 587 киши тортилган ва улардан 347 таси ўлим жазосига, 104 таси каторгага, колганлари эса турли муддагли камок жазосига хукм килинган. Бундан ташкари, чор хукумати тузган режага кўра, 250 минг туркистонлик мардикорликка олиниши лозим эди. Ана шундай шароитда жадиддар Туркистоннинг янги генерал-губернаторини "сен яхши, сендан ит яхши" кабилидаги хамду санолар билан кутиб олишга карор килдилар ва уни шафкатли бўлишта чакирдилар. Жумладан, Тавалло Куропаткинга багишланган шеърида бундай ёзди: ...Кайси фарзанд отаси олдига борса "оталаб", Бас, кучогига олиб, бошин силаб, дейдир "болам". Багри бирён, кўзи гирёнларга шафкат килдингиз, То тирик хакингиза айлар дуое хосу ом. Шу сатрларнинг ўзиёк жадиддарнинг Куропаткин шаънига хамду сано айтишдан кузатган максадларини яккол кўрсатиб турибди. Дарвоке, улар кўллаган тактика ўз самарасини берди. Энг олий жазога хукм этилган 347 нафар кўзголончидан 51 киши катл этилди, каторгага юборилган ва камок жазоси белгиланган кишилар сони хам анча кискарди. Режадаги 250 минг киши ўрнига 123 минг киши мардикорликка олинди. 1930 йилда Мунаввар кори Абдурашидхонов ва унинг гурухи устидан олиб борилган

тергов материалларидан шу нарса маълум бўладики, кўзголон арафасида адвокат Убайдулла Хўжаев билан М.Абдурашидхоновнинг ўзаро якинлашуви уларнинг 1916 йил вакеалари пайтида бундай стратегияни белгилаб олишларига имкон тугдирди: улар, модомики, Туркистон ахолиси мардикорликка олиш воқеаларидан четда тура олмас экан, демак, бу воқеадан эл-юрт манфаати йўлида фойдаланиш керак, деб билдилар.

"Фарзанддаримизни мардикорликка эмас, балки аскарликка юборамиз. Мардикорлар олдинги марраларга бориб хандак казийдилар. Демак, улар хандак казийётган пайтларида душман уларни бир зумда кириб ташлаши мумкин. Негаки, мардикорларда курол-ярог бўлмайди. Шунинг учун биз фарзанддаримизни аскарликка юборамиз", деган талаблар билан чиқдилар. Уларнинг бундай талаблари тагида бошка ният ҳам бўлган. Чор хокимиятининг немислар билан урушда холи танг бўлиб колганини сезган жадиддар якин йиллар орасида эрк ва хуррият учун харакат бошланиши мумкинлигини англаб, Биринчи жахон уруши фронтларида бўлажак ўзбек миллий кўшинига тамал тошини кўйишни орзу килдилар. Улар мўлжалига кўра, курол-ярог билан муомала килишни ўрганган ўзбек йигитларининг якин вақт ичида миллий инкилобни амалга ошириши мумкин эди.

Шундай килиб, У. Хўжаев ва М.Абдурашидхонов кўзголон бошида кўзголончилар томонида бўлганларига карамай, мардикорликка олиш комитетига рахбарлик килдилар. Айни пайтда Петербургга вакиллар юбориб, Туркистонда содир этилаётган жиноятларга чек кўймокчи бўлдилар. Шубхасиз, улар ва бошка жадидлар, совет тарихчи ва ёзувчилари ёзганидек, Туркистон халқдарининг миллий озоддик харакатига хоинлик килмай, аксинча, жабрдийда халкни тўгри йўлга бошлаш, унинг дардига даво топиш, унинг боши узра лопиллаб турган килични бартараф этишга уриндилар. Уларнинг 1916 йил кўзголони пайтида орттирган тажрибаси Февраль инкилобидан кейинги даврда, айникса, асқотди.

У.Хўжаев ва бошка жадиддарнинг аввалги фаолиятидан хабар топган Куропаткин уларни Кавказга сургун килиш тўгрисида буйрук чикарди. Аммо У.Хўжаев шериклари билан сургунга кетиши арафасида Февраль инкилоби юз берди. Бу инкилоб эса жадиддарни эмас, балки Куропаткиннинг ўзини Туркистон тупрогидан улоктириб ташлади.

Наим Каримов